

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
ПРОГНОЗЛАШ

ТДИУ Рихсимбаев Одилжан Кабулджанович
ТДИУ “Иқтисодиётда математик методлар” кафедраси
магистранти Сотиболдиев Асадбек Хасан ўғли

Аннотация: Иқтисодий ўсиш муаммоси, унинг тўлиқ тавсифини очиб бериш учун, фикримизча, иқтисодиётнинг ривожланиши учун умумий услубларини тақозо этадиган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, биринчидан, уни таърифлашда тизимли ёндашиш, иккинчидан, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади. Шу билан бирга мақолада иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили, соҳадаги муаммолар атрофлича ўрганилиб илмий асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Иқтисодий ўсиш, абстракция, ривожланиш концепцияси, тасодифий омиллар, самарадорлик, аҳоли турмуш фаровонлиги, ЯИМ, модернизация, барқарорлик, резидент, харажат, бюджет.

Аннотация: Проблема экономического роста, чтобы раскрыть ее полное описание, на наш взгляд, продиктована системным подходом к ее описанию, во-первых, с учетом обстоятельств, которые требуют ее общих методов для развития экономики, а во-вторых, отдельного подхода к абстракции, который явно продуман при изучении экономического роста. В то же время в статье приводится анализ показателей экономического роста, тщательное изучение проблем в данной области и научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: Экономический рост, абстракция, концепция развития, случайные факторы, эффективность, благосостояние населения, ВВП, модернизация, стабильность, резидент, стоимость, бюджет.

Abstract: The problem of economic growth, in order to reveal its full description, in our opinion, is dictated by a systematic approach to its description, firstly, taking into account the circumstances that necessitate its general methods for the development of the economy, and secondly, a separate abstraction approach, which is clearly thoughtful in the study of economic growth. At the same time, the article provides an analysis of the indicators of economic growth, a thorough study of the problems in the field and scientifically based proposals.

Key words: Economic growth, abstraction, concept of development, random factors, efficiency, welfare of the population, GDP, modernization, stability, resident, cost, budget.

Кириш (Introduction) Миллий иқтисодиёт ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.

Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш даромадларни қандай нисбатларда истеъмол ва инвестицияларга бўлинишига боғлиқ деб қаралади. Истеъмол ҳажми динамикаси иқтисодиётнинг пировард мақсадини ва аҳоли турмуш даражаси ошишини билдирса, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ортиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтиради. Оқибатда иқтисодий ўсиш имкониятларини қисқартиради. Иқтисодий ўсиш реал катталикларда ва қиёсий баҳоларда ўлчанади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш, баҳолашнинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш, унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади. Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 15 январдаги, иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва оилалар даромадини кўпайтириш янги тизимни ташкил этиш борасида “маҳаллада тадбиркорлик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун оилаларни зарур асбоб-ускуналар ва иш қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги”ни алоҳида таъкидлади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва аҳоли реал турмуш даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, барқарорлаштириш ва ривожлантиришдан асосий мақсад мамлакат иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилганлигидир.

Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Жаҳон иқтисодиётидаги нобарқарорлик, турли таҳдидларнинг ҳамон сақланиб

қолаётгани, айниқса глобал пандемия таъсирида иқтисодий ўсишнинг секинлашуви хорижий инвестициялар оқими ҳажмини кескин тушишига сабаб бўлди. Пандемия ва ундан кейинги даврларда иқтисодий ўсишда юзага келган турғунликни бартараф қилиш мақсадида мамлакатлар ўртасида хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича кескин рақобат курашининг юзага келиши хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича янги стратегик йўналишларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция (ТТХИ)лар одатда кўплаб халқаро институтлар, сиёсатчилар ва иқтисодчилар томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш омили сифатида кўриб чиқилади. Мавжуд тадқиқотларга кўра, чет эл сармоялари самарали равишда жойлаштирилганда мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини юзага келтиради.

Шу сабабли, кўпгина ҳукуматлар, хусусан, ривожланаётган мамлакатларда, хорижий капиталга алоҳида муносабатда бўлишади. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан шуғулланувчи вазирликлар, кўмиталар, давлат агентликлари мавжуд бўлиб, уларда солиқ имтиёзлари, импорт божларидан озод қилиш, бино ва ер майдони билан таъминлаш, турли хил давлат субсидияларини таклиф қилиш орқали хорижий инвесторларга алоҳида ёндашган ҳолда сиёсат олиб борилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ижобий ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бирига айланмоқда.

Хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётига 2019 йил давомида 2204,9 млн АҚШ миқдорида ТТХИ жалб этилган ва ушбу кўрсаткич бўйича 1998 йилдан бошлаб илк мартаба Туркменистон Республикасини ортда қолдирган ҳолда, Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон Республикасидан кейинги ўринни эгаллаган. Сўнгги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари кузатилган бўлсада, иқтисодий ўсишнинг айнан қайси омиллар натижасида юзага келгани, бунда хорижий инвестициялар оқими ва экспортнинг қай даражада муҳим аҳамиятга эгаллигини замонавий эконометрик инструментлар орқали чуқур таҳлил этиш талаб этилади.

Иқтисодий ўсиш бутун иқтисодиётнинг натижасини кўрсатадиган ва давлатнинг макроиқтисодий фаолиятига хулоса берадиган натижавий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади ва у ЯИМда ўз ифодасини топади.

Дунёдаги глобал ривожланиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи бу - техник

тараққийтдир. Шунингдек, ҳозирги кунда иқтисодий ўсишдаги техник тараққийтни асословчи кўп сонли назариялар экзоген ва эндоген типдаги техник тараққийт тури билан бир - биридан фарқланади.

Умуман, иқтисодий ўсиш моделларини таснифлашдан мақсад мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун қайси омилга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ва қайси моделнинг самарадорликка олиб келувчи имкониятлари юқорилигини аниқлашдан иборатдир.

Иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омили бу - инновация бўлиб, мазкур омилни инобатга олувчи макроиқтисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси икки хил бўлади.

Биринчи кўринишдаги макроиқтисодий функция инновация таъсирини инобатга олган ҳолда қуйидагича бўлади: $Q = r \cdot K^\alpha \cdot L^\beta$.

Бунда r - технологик ривожланиш бўлиб, у инновация таъсирини баҳолайди ҳамда $r = e^{nt}$ га тенг бўлиб, бунда $\alpha + \beta = 1$ тенглик қабул қилинади.

Иккинчи кўринишдаги макроиқтисодий функция $Q = A \cdot K^\alpha \cdot L^\beta$ бўлиб, бунда A - кўрсаткич капитал ва меҳнат омилидан ташқари ҳамма қолган омилларнинг таъсирини характерлайди, ҳамда $\alpha + \beta > 1 (\neq 1)$ шарт қабул қилинади.

Агар иқтисодий ўсиш яъни ЯИМни ялпи талаб $AD = C + I + G + X_n$ сифатида ифодаладиган бўлсак, у ҳолда Дж.Кейнснинг истеъмол функциясига кўра истеъмол ва миллий даромад ўртасида мазкур макроиқтисодий айниятдан $Y_t = C_t + I_t (= S_t)$ келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгликка эга бўламиз¹:

$C_t = a_0 + a_1 Y_t + u_t$ - истеъмол функцияси, бунда C - пировард истеъмолга харажатлар, Y - ялпи ички маҳсулот, I - инвестиция, S - жамғариш, t - вақт, a_0 , a_1 - эконометрик баҳоланувчи параметрлар бўлиб, бунда $a_1 = MPC$ - истеъмолга чекланган мойиллик ва $0 < MPC < 1$.

$C_t = a_0 + a_1 Y_t + u_t$ истеъмол функциясидаги Y_t ўрнига $Y_t = C_t + I_t$ кўядиган бўлсак, у ҳолда унинг кўриниши қуйидагича бўлади: $C_t = a_0 + a_1 (C_t + I_t) + u_t$.

Ушбу тенгликдан қуйидаги ифодани ҳосил қилиш мумкин:

$$C_t = \frac{a_0}{1 - a_1} + \frac{a_1}{1 - a_1} \cdot I_t + \frac{1}{1 - a_1} \cdot u_t = \frac{a_0}{1 - a_1} + \frac{a_1}{1 - a_1} \cdot I_t + u_t^*$$

Мазкур тенгликдан C_t ва Y_t лар учун қуйидаги келтирилган шаклдаги эконометрик тенгламаларга эга бўламиз:

$$C_t = \frac{a_0}{1 - a_1} + \frac{a_1}{1 - a_1} \cdot I_t + u_t^* \text{ ва } Y_t = \frac{a_0}{1 - a_1} + \frac{1}{1 - a_1} \cdot I_t + u_t^*.$$

Таъкидлаш лозимки, **иқтисодий ўсишга кучли таъсир этувчи омил бу - инвестиция** бўлиб, у ялпи ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва миллий

¹Gujarati D.N. Basic econometrics. 3rd ed. - Singapore.: McGraw-Hill, 1995. -638 p.

иктисодиёт самарадорлигини оширади. Ўз навбатида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми яна инвестицияга айланади. Шунингдек, инвестиция ҳажмига келгусидаги кутиладиган баҳо даражаси ҳам таъсир этади. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб инвестициянинг **Хикмен**² томонидан киритилган куйидаги прогноз моделини кўриб чиқамиз:

$K_t = a_1 Y_t^{a_2} P_t^{a_3} e^{a_4 t}$, бунда K_t - асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми (капитал кўйилма), Y_t - ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, P_t - кутиладиган баҳо даражаси, a_1, a_2, a_3, a_4 - ҳисобланувчи параметрлар, e - натурал логарифм асоси.

Агар биз $P^e = P(-1)^3$ эканлигини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда Хикмен моделининг чизикли кўриниши куйидагича бўлади:

$$\ln K_t = \ln a_1 + a_2 \ln Y_t + a_3 \ln P_{t-1} + a_4 t.$$

Ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришини услубий жиҳатдан ўрганишда унга таъсир этувчи асосий омилларнинг боғлиқлигини ўрганиш муҳимдир. Бунда ялпи ички маҳсулотни яратишга иштирок этувчи асосий омиллар сифатида меҳнат ва капитал олинди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини янада жадаллаштириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим: - иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш; - мамлакатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш; - мамлакатда ишчи кучидан янада самаралироқ фойдаланиш; - юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ва киритиладиган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш; - фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш; - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга мавжуд барча резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш ва бошқалар

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва олимларнинг қарашлари шундан далолат берадики мамлакатнинг иқтисодий ўсиши таъминлашда ЯИМ ҳажмида хизмат кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқиш, хусусий мулк тизимини ислоҳ этиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш керак. ЯИМ нинг «ички» деб аталишига сабаб унинг мамлакат резидентлари томонидан яратилишидир. Резидент деганда фақатгина мамлакатнинг юридик ва жисмоний шахслари тушунилмайди. Чунки мамлакат юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ фаолият юритса ўша мамлакат резиденти деб қаралади. “Миллий тегишлилиги ва фуқаролигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, ёки мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча

²Емельянов А.С. Эконометрия и прогнозирование. - М.: Экономика, 1985. -47 с.

³Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. - М.: МГУ: ИНФРА - М, 1997. - 506 с.

иқтисодий бирликлар (корхоналар, уй хўжаликлари) резидент ҳисобланишади”. Элчихоналар ва ҳарбий базалар ўзлари тегишли бўлган мамлакатларнинг иқтисодий макони бўлиб қолаверадилар. Айнан шу жиҳат ЯИМни ҳисоблашда иқтисодий ва географик ҳудуд ўртасидаги фарқ деб қаралади. ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади: 1) ишлаб чиқариш усули. 2) харажатлар усули. 3) даромадлар усули. Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, асосий мақсади бўлиб, инсон туб манфаатларини рўёбга чиқаришга, аҳоли турмуш даражаси, сифати ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, унинг иқтисодий базиси ҳисобланади. Иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи ЯИМ йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади: бу ерда: ΔY –иқтисодий ўсиш суръати, фоизда; Y_0 - таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми; Y_1 - жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми[3]. Иқтисодий ўсиш жараёни таҳлилининг вақт доирасидаги чекланганлигидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш мақсадининг икки даражасини фарқлаш зарур: асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши. Иқтисодий ўсиш узоқ муддатли мақсади амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида иқтисодиёт барча субъектларининг яхлит тарздаги ривожланиши, улар ҳар бири томонидан маълум стратегик мақсадларга эришишнинг таъминланиши майдонга чиқади. Мамлакат макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгилари куйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ўсиш;
2. Тўла иш билан бандлик;
3. Нархлар даражасининг барқарорлиги (инфляция);
4. Бақувват тўлов баланси;
5. Хорижий валюта алмашув курсининг барқарорлиги;
6. Давлат бюджети камомадининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан уч фоиздан ошиб кетмаслиги;
7. Даромадлар тақсимланиши муаммоси.

Аҳолининг фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт жараёнини

инсонпарварлаштириш Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожлантириш мақсадларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти ўртача йилига 2-2,4 фоиз атрофида иқтисодий ўсиш даражасига эришмоқда. Янги Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, шу асосда мамлакатда миллий иқтисодиётни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Унга биноан шу даврда ялпи ички маҳсулот 2 баробарга ортади ва аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори 3 баробарга ошиши прогноз қилинган. Унда белгиланган вазифаларни бажариш учун олимлар ва жамоатчилик эътибори марказида иқтисодиётни узоқ муддатли барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқувчи иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш жараёнининг шартлари ва омилларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, рақамли ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш мотивациялари тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари бу вазифаларни амалга оширишда юқори даражада хизмат қилади[10]. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топишда қуйидаги вазифаларни кўриб чиқишда талаб этилади[11]:

- барқарор иқтисодий ўсиш, ривожланиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;
- иқтисодиётни глобал инқироз ва пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацияларнинг таъсирини баҳолаш;
- бизнес субъектлари ва корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга трансформацияланиш жараёнини моделлаштириш ва тармоқларнинг мутаносиблигини тадқиқ этиш;
- иқтисодий барқарор ривожланишнинг оптимал мезонлари ва манбалари ҳамда омилларининг ялпи самарадорлигини аниқлаш;

•аҳоли кенг қатламлари эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни ва ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишни таъминловчи, иқтисодиёт секторлари ўртасидаги мақбул нисбатни кўзда тутувчи пропорционаллик.

•атроф муҳит ҳолатини, ижтимоий муаммоларни ва халқаро алоқалар ҳолатини ҳисобга олиниши.

•ва ниҳоят, барқарор иқтисодий ўсиш бир томондан, уни таъминлашнинг заминларидан, бошқа томондан эса, бу соҳадаги чекловлардан келиб чиқали. Қўйилган мақсадга эришилиши даражаси иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг миқдорий ва сифат мезонлари самарадорлиги билан аниқланади. Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг миқдорий мезони самарадорлиги сифатида ЯИМ барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши майдонга чиқиши мумкин. Иқтисодий ўсиш тушунчасига тўлиқ тавсиф бериш учун, фикримизча, иқтисодиёт назариясининг умумий услублари тақозо этадиган бир қатор ҳолатларни ҳисобга олиш лозим. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali Биринчидан, иқтисодий ўсиш, иқтисодиёт назариясининг кўплаб муҳим тушунчалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уни таърифлашда тизимли ёндашув фарқланиб туриши зарур. Иккинчидан, иқтисодий ўсиш моҳиятини аниқлаш илмий абстракция талаблари билан мос келиши зарур. Чунки бу ерда, умумий ва хусусий муаммолар вазиятидан келиб чиқадиган иқтисодий ўсишнинг туркумланиши билан боғлиқ айрим мураккабликлар пайдо бўлади. Шу сабабли, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда, аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади

Гап шундаки, бу ерда юқорида таъкидланган сабабларга кўра, иқтисодий ўсишни бир хил аҳамиятли миқдорий аниқлаш имкони бўлмаган категориялар даражасигача мавҳумлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий ўсиш барча иқтисодий тизимларга хос бўлган ҳодиса бўлганлиги сабабли, уни ўрганишда биринчи навбатда, айнан таркибли ёндашиш амалга оширилиши зарур. Шу сабабга кўра, иқтисодий ўсиш мазмунининг фақат соф миқдорий тавсифи берилиши аниқ кўриниб турган камчилик ҳисобланади. Бу ерда абстракция усулидан фойдаланиш жуда ўринли ва мақсадга мувофиқ. Республикамизда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир.

Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммоси ижтимоий ривожланишнинг кўп вариантлиги ва муқобиллигини эътироф этишга

асосланган. Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлил қилинганда, унинг мезонларига ва энг аввало сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим. Шундай экан, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. 2030 йилгача ривожланиш концепцияси, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган муҳим мақсад ва вазифалари, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишлари, ривожланишнинг асосий манбалари ва омиллари, рақобат имкониятлари ва устунликларини белгилаб берувчи асосий дастур ҳисобланади. Унда ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли дастурлари ва прогнозларини ишлаб чиқиш, ҳудуд иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш йўллари кўрсатиб берилган. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш динамикасини прогнозлашда рекурсив ва экзоген кўпомилли эконометрик ўсиш моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Макроиқтисодий экзоген моделлар ҳудудда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция ва инновацияларнинг ўрнини аниқлаш, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини тармоқлар ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида мутаносиб, барқарор ривожланишини моделлаштириш имконини беради, таҳлил этилаётган иқтисодий жараённи тасодифий омиллар таъсиридан ҳоли эканлигини инобатга олади.

Файдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқимизга 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 30 декабрь.
3. С.Қ. Джўраева “Барқарор иқтисодий ўсиш ва уни таъминлаш босқичларининг таҳлили”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил
4. Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик.Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й
5. “Biznes-эксперт” журнали №8 (92).2015.

6. Абдулқосимов Ҳ. «Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография». Т. : «Akademiya», 2011 й.
7. Набихужаев А., Шеров Ю., Султонов П. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. №2 2011.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. -7-е изд. перераб. и доп.-М.: Издательство «Дело и сервис», 2005. 25-с.
9. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004.
10. «Biznes-эксперт» журналы №8 (92).2015.
11. <https://strategy.uz/index.php?news=956>.
12. <https://www.lex.uz/> - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси
13. Муаллиф илмий изланишлари натижасида ишлаб чиқилди.
14. Ситмуратов Ш.Т. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва экзоген ўсиш моделлари: иқтисод фанлари фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Ургенч: УРДУ, 2021. Ситмуратов Ш.Т. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва моделлари. «ORIENT ART AND CULTURE» илмий-методик журналы. «Ўзбекистонда илм-фан ва таълим» №2-сонли конференция тўплами, 2020.